



МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Илгари хабар қилганимиздек, 9 декабрь кун Тошкент шаҳрида халқ депутатлари пойтахт вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Тошкент вилоятининг ҳокими Сайфулла Сайдалов палатанинг ишлари муносабати билан аризонасига биноям ўз вазифасидан озод этилди. Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига мувофиқ ўрта Чирчиқ тумани ҳокими вазифасидан ишлаб келатган Мирзамурод Мирмоҳаммадов Тошкент вилояти ҳокими, Бекобод шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келатган Эркин Рўзиев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Республиканинг буғунги ижтимоий-сиёсий ҳолати, иқтисоднинг бориши, олимларнинг турган катта вазифалар турғисида кунги кеча Конституциянинг байрамга бағишланган мажлисида баён қилинган мақсадлар, бундан кўра ички ва ташқи сиёсат ҳақида, мавжуд муаммолар, дастлабки ютуқлар, шу билан бирга катта-катта камчиликлар, бой берилган имкониятлар турғисидagi гаплардан қўпчилик хабардор, деди Президент. Буғунги масала бўйича гапирсак, республика миқёсидagi ютуқлар, айрим камчиликлар Тошкент вилояти меҳнатқилларига, раҳбарларига ҳам хос, деб ўйлайман. Лекин, гап шундаки, ана шу камчиликларни биз қўрмай, уларга тўғри баҳо бериш, аввало, ўзимизни алдаган бўламиз. Шу нуктага назардан қараганда, Тошкент вилоятининг бу ерда ўтирган вакиллари, ноиблари қилинган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида ўз фикрига эга. Шу муносабат билан бутун мақсади бир, бир-бирига яқин одамлар сифатида, давлат, Ватанимиз келажagini ўйлаб, бир хулосага келиб оласан, деган тақлифни ўртага қўймоқчиман.

Ҳар бир вилоят, ҳар бир ҳудуднинг республика миқёсидagi ҳаётида ўзига хос ўрни бор. Пойтахт вилояти ҳар соҳада илгор бўлиб, ибрат қўрсаткич келганини яхши биламиз. Ўзининг салоҳияти, куч-қудрати билан, саноат-хўжалиқда илгор технологияга, замонавий корхона-лар билан ҳақиқатан ҳам етакчи бўлиб юрган десан, янгилашмаймиш. Бунинг ҳаммази ифтихор ва гурур билан таъкидлашимиз мумкин.

Албатта, ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос шaroити, иқлими, суви, тупроғи бор. Тошкент вилоятининг ҳам ҳасас қиларили маъна шундай хусусиятлари мавжуд. Лекин улкан натижаларга эришилганда асосий сабаб, манба фақат табиат, сув, тупроқ эмас, балки ана шу вилоятнинг аjoyиб меҳнатқиллари, халқидир.



С. ШУШКЕВИЧ ТОШКЕНТДА

Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевич 13 декабрь кун мамлакатимизга расмий-амалий ташриф буюрди.

Тошкент тайёрағида ҳурматли меҳмони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Юсупов, Тошкент шаҳри ҳокими Адхамбек Фозилоков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Беларусь давлат раҳбари тайёрағида журналистларнинг саволларига жавоб бериб, ташрифдан мақсад Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш эканини таъкидлади.

Ислам Каримов бу фикрни қувватлаб, Ўзбекистон ва Беларусь бир-бирига ишончли ҳамкор деб қарашини айтди. Беларусьнинг пахтага ҳаётий сезишга, биз эса «сўз олтиси» эканини Беларусьдан олди.

Беларусь Олий Кенгаши раиси С. Шушкевичнинг мамлакатимизга қисқа амалий сафари низоҳисига етди.

Мехнат жамоаларида

ИШГА МЕХР БИЛАН

— ЗАФАР, хамирнинг тузунини яхши қилдингизми, жуда соз. Дилдор, қопилларини теда тайёрлашга киришинг, эҳтимол бутун кечадан сал кўпроқ нон ёпсан керак. Қаранг, тапчарида ёмғир ёиб туришига қарамай, иссиқ нон пишшини кутиб турган харидорларнинг кети узилмайди, — дея ўзи ҳам ишга киришди уста Ибодатхон.

«Тошкентномаҳсулотлари» бирашмасига қарашли 1-нон корхонаси қошидаги «Иссиқ нон» фирми дўконига да аттиги 6 киши меҳнат қилади. Бунинг қорондасида алоҳида жойлашган кичик нон цехи ҳам деб аташади. Кичик цехни кўздан кечирарканмиз, ҳақиқатан ҳам ҳар бир дастоҳ жуда ихчам жойлаштирилган. Ишчиларнинг ҳаракатига қараб турганда кичик цехнинг қанча фаолияти мавжуд эканинигунинг гувоҳи бўласиз.

— Кичик цехимизда иш бошлаганимизга салкам тўрт йил бўлай дегини, — дейди биз билан суҳбатда уста Ибодат Сулаймонов. — Шундай бўлишига қарамай ҳали бирор марта ҳам маҳсулотимизнинг сифатсизлиги ёки бошқа камчиликларини сезганимиз йўқ. Гоҳо нонларини пишириб улгуролмай қолсак, харидорлардан уэр сўраб 30-40 дақиқа куттиларининг мумкин, эрталабни оширинган хамирлар тутаб, набатдагилар ҳали бироз вақт бор, десак ҳам то пишгунига қадар кутиб туришаверади. Сабаби ҳар кунги ёки кунора келишиб иссиқ

Ўзбекистон ва жаҳон

НЕМИС ОЛИМИНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ

Германиядаги Гёте номи немис маданият маркази халқаро миқёсда фаолият кўрсатиб келатган нутқшунос мусассалардан саналади. Чет эларда халқаро маданият-маърифий ҳамкорлигини ривожлантириш ва уларни бошқа давлатларга тарғиб қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бу марказнинг мустақил Ўзбекистон билан ҳам алоқалари кенгайиб бормоқда.

Бурноғи йили Тошкентда ўтказилган «Туркий тибон мухити» деган немис тилини ўрганиш деган мавзудаги илмий-амалий анжуманини ташкил этишда ҳам марказ фаолият кўрсатган эди. Бу таъбирни амалга оширишда мусассаса Тошкент давлат университетининг, хорижий филология факультетининг ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг республика ўқув-методика маркази билан ҳамкорликда иш тутиб, немис тилини тарғиб қилишга доир қатор маърифий тадбирларни ўтказди. Тошкентда очилган «Немис тили ўқитувчилари уюшмасининг ташкил этишга эса бош-қо бўлди.

Ушбу марказнинг маслаҳатчиси, тилшунос олим Хенс Дитер Эммерт яқинда республикамизга ташриф буюриб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан баҳаслашди иш тутиди.

Немис олимнинг республика ўқув-методика марказида уюштирилган амалий машғулотлари тилшуносларда кичик уйғотди. Амалдаги дарсчилар муаллифлари ва немис тили ўқитувчилари билан бўлган маъмур мулоқот чоғида немис тилини ўқитиш билан боғлиқ кўп масалалар кўриб чиқилди. Немис тили чуқур ўргатиладиган мактабларнинг техника асослари ва кўрсатмалар ўқув қуроллари билан таъминлаш йўлида қўрилган тадбирлар белгиланди. Бу борада Гёте маркази олимжонлик қўрсатиб, билим даргоҳларига қўйилган қилишни ўз зиммасига олди.

Тилшунос олим Тошкент давлат университетига уюштирилган даяра суҳбатларда ҳам фойдаланиш маслаҳатлари билан ўқитишди.

Ваҳоб ВАЛИЕВ.

ХАЙРИЯ ТОМОШАСИ

Республикада таъсис этилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг келажак авлод саноатининг йўлида олиб бораётган хайри ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид тадбирларни кўпчиликлан манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллиги арафасида ушбу жамғарма томонидан Республика болалар кўнрақ театрида шаҳардаги болалар уйлари ва мактаб интернатларининг 350 нафар тарбияланувчиларига байрам дастурхони атрофида театрлаштирилган томоша ташкил қилинди, эсдалик совғалари улашылди. Турли-туман беллашулар, Мирзо Улуғбек тумани маданият уйи қошидаги «Шарқ юлдузи» болалар ансамблининг чиқишлари ва кеча сўнгидagi «Икан йули» кўнрақ театри болаларини қушнуд эди.

Хайрия тадбирида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг раиси Гулнора Илдошева иштирок этиди. Дилдора ОРИПОВА.

Ваҳоб ВАЛИЕВ.

ҚОБИЛЯТЛИЛАР ТАНЛанаДИ

«Рухий тест» деган ибора эдиликда мактаб таълими тизимига тез-тез тилга олинган бўлиб қолди. Бу педагогик-психологик усул иккидори ишларни аниқлашда, улар истеъдод кўракларини ривожлантиришда муҳим маърифий восита бўлиб кизмат қилмоқда.

Истиқболли бу усул болалар-ўқимлар иқидиёти шаҳар марказида ҳам тадбиқ этилиб, мақсади асосан амалга оширилмоқда. Марказ хузурида қобилиятли болалар ва ўқимларни ривожлантириш ахбороти ва диагностикаси бўлимининг очилиши «Рухий тест» усулини режаласи асосда йўлга қўйиш имконини берди.

Мана, бир, неча ойдириқ ушбу бўлим руҳий тест асосида истеъдодли болаларни танлаш билан шуғулланиб келмоқда. Бунинг учун бўлимга малакали психологлар жалб этилди.

— Ешлар истеъдодини ривожлантириш кўнраги педагог омиларга боғлиқ, — дейди бўлим бошлиғи, психолог олма Л. Хохлова. — Тест усулини тадбиқ этиш орқали ҳам иш истеъдодлар камолотига эришилмоқда.

Утган вақт ичиди тўрт ярим минг нафар ўқимлар тест синоидан ўтказилиб, қобилиятли болалардан 335 нафари танлаб олинди. Улардаги истеъдод кўракларини ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда.

Бўлим ходимлари, ана шу жараёнда москвалик педагог омилар иш таърибларидан ҳам фойдаландилар. Айниқса, Москвадаги «Иқидий қобилиятли» болалар марказида таъйинланган тест саволлари қўл келди. Эдиликда ушбу тест саволларининг ўзбек тилидаги таржимаси устида ҳам иш олиб боришмоқда. Шу билан бирга бўлимимиз мутахассислари республика миқёсдаги таълим-тарбия шaroитига мис тестларни тайёрлашга ҳам эришдилар.

Бўлим иқидорли болаларни аниқлаш билангина шуғулланиб қолмай, турли шадги тарбияли болалар иқидий тарбиясига доир махсус дастурлар яратишга ҳам киришди. Шу мақсада 30 га

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА МУЛКЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан давлат мулки бошқармаси томонидан уюштирилган семинар шу мавзуга бағишланди.

Унда давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг раҳбарлари, давлат мулки ва давлат фонди мусассалари, шаҳар концернларининг вакиллари, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар иштирок этидилар. Семинарнинг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, иқтисодий мажмуа раҳбари В. Э. Хўжаев очди.

Семинарда республика давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бўлими ва ҳокимият раиси Ш. Р. Рафуров хусусийлаштириш амалга ошириш соҳасида қилинган ишларга тўхталди.

Хўжарги пайтда 41 мингга қорхона давлат тасарруфидан чиқарилган. Аҳолига хизмат кўрсатиш билан машғул корхоналарнинг қўнчилиги хусусийлаштирилди. Бугунги кунда улар мулкчиларнинг бошқа шакллари қатори бемалол фаолият кўрсатишларини таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқилмоқда. Унда давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарга қара бериш,



Виктор Вагаев сўзларди.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Фаргона сунъий чарм ишлаб чиқариш заводида чарм ўринини босувчи нотўғима маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Олтин водийнинг гўзал шаҳри тегмаси туширилган дастлабки маҳсулотлар Афғонистон ва Голландияга юнатилади.

Мингбулоқ нефть қонига 5-қазим ускунасини ўрнатиш бошланди. Бунга қадар ўрнатишга тўрт қазим ускуналаридан фойдаланилмоқда. Бу ерда иш уч сменада ташкил этилган.

Нукус шаҳрида пахта, гуруч ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларидан мўл ҳосил этиштирган қоралпоғистойлик деҳқонларга бағишланган ҳосил байрами ўтказилди.

ҲАМДУСТЛИҚДА

Россияда ўтказилган сайловларнинг ақуний натижаларини келгуси ҳафтада маълум бўлади. Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки хабарларига қараганда, сайловда қатнашган 53 фоз сайловчиларнинг 60 фозин Конституциянинг қабул қилинишини ақлаб овоз берган. Сивий ҳаракатлар орасида эса 22, 15 ва 11 фоз овоз олган ЛДПР, «Вибор Россия» ва РФ Коммунистик партияси етакчилиги қилди.

Москва телефон хизмати яқинда биринчи январдан эътиборан телефон ўрнатиш учун тўлағандан ҳақ миқдорини 90 минг сўм, ойлик тўловни эса 900 сўм этиб белгилан ниятида эканини маълум қилди.

Т. Чингизов бошчилигидаги Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси истеъфого чиқди. Президент А. Акаевнинг ҳукумат ваколатини мўддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги илтимос ҳам қондирилди.

Экинбасту кўмирчилари Россия ва Украина давлатлари зиммасидagi қарзларини тўлағунинга қадар кўмир етказиб беришни тўхтатиб туришларини маълум қилдилар.

12 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра Мурғаб Раҳимов Бошқирдистон Президентини этиб сайланди.

Киевда бир соат давомида 100 минг қороз матини етказиб беришга қадир электрон — компьютер газетасининг дастлабки наشري чоп этилди. У оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларига қараганда 40 мартаба арзон эканлиги билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида қизиқиш уйғотмоқда.

Россия автомобил ишлаб чиқариш заводида бири — ВАЗда душанба кундан бошлаб тўрт кунлик қисқартирилган иш ҳафтасига ўтилади. Шу билан бир қаторда ҳар бир иш кунини бир соатга қисқартирилди. Хом ешнинг камчилигини завода маъмуриятини шундай йўл тутишга мажбур этди.

Санкт-Петербургдаги Киров номидаги заводада 13 декабрдан 1 февралга қадар тракторлар ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди.

Молдова Президентини М. Снегур Украинага қилган икки кунлик ташрифидо давлат маъмурат Президентини Л. Кравчук билан учрашди ва томонлар ўзаро ҳамкорлик тўғрисида қатор шартномалар имзоладилар.

Шу ҳафтадан бошлаб Арманистон Парламенти ўз ишини яна босатди. Мухомама қўйилган қонун лойиҳаларини орасида фўқорлик, чегара ва бошқа масалалар бор.

Беларусь ҳукумати 1 декабрдан бошлаб ўқитувчилар, техникум ва олий ўқув юртилари мураббийлари, санъат арбоблари, тиббиёт ходимларининг айрим тоифалари машиини оширин ҳақда қарор қабул қилди.

АҚШ вице-президенти А. Гор душанба кун Қирғизистон Президентини А. Акаев, сўнгра Алматы шаҳрида Қозғистон Президентини Н. Назарбаев билан учрашди. Ҳар икки республика билан ўзаро ҳамкорликка доир ҳужжатлар имзоланди. Альберт Гор АҚШ махсус мажмуага орқали Қирғизистон ва Қозғистонда кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдамлашганини эътироф этди.

Россия Президентини Б. Ельцин ва ГФР канцлери Г. Колл телефон орқали суҳбатлашдилар. Немис давлат арбоби Россия Президентини конституция қабул қилинганлиги билан таърикланди.

ХОРИЖДА

Шарқий Европа мамлакатларида бозор иқтисодиғи ўтти ҳарафини саноат ва қишлоқ хўжалиғида ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан намоён бўлмоқда. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этаётган бўлса-да, айрим мамлакатларда иқтисодиётнинг яна тугиш бораётгани кўринмоқда. Масалан, Венгрияда ўтган йили ишлаб чиқаришнинг пасайиши 40 фозини ташкил этган бўлса, бу йил бу рақам 30 фозини ташкил этди.

БМТнинг «Тараққиёт» дастури раҳбари Д. Слэтт дунё «бахтсизликлар ишлаб чиқарувчи машинага айланиб бормоқда», дея эътироф этди. Кенг жамоатчилик очлик, афр-муҳитини ифославини, қочоқлар сонининг кўпайиши каби муаммалар билан юзма-юз қолди. Слэтт фикрича, мабодо ривожланган давлатлар «Ўчинчи дунё» тараққиёти учун кўпроқ маблағ сарфламас эканлар, аҳвол бундан-да ёмонроқ бўлиши мумкин.

Маҳаллаларда сайловлар МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Фурқатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари турғисидаги Қонунига мувофиқ маҳаллаларда сайловлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирдан бири Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида ўтказилди.

Маҳкур маҳалла ҳудудида 83 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда 13 минг 370 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳкур Охун, Аҳмад Доғиш, Итифқор каби 8 та устакдан маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчилар сайловига 61 нафар вакил иштирок этди.

Маҳалла оқсоқоллигига учта — маҳалла комитетининг собиқ раиси Эгамназар Қодиров, маҳаллалик «Бахт» бўлимидан Архитектура институтининг ўқитувчиси Абдумалик Тўхтасинов, «Омад» бўлимидан Тошкент политехника университетининг ўқитувчиси Носир Нишонбоевлар номзодлари муқобиллик асосида тавсия этилди. Йилгишда ақсарият кўпчилиги Эгамназар Қодиров учун овоз берди. Шунингдек, маҳаллада 11 нафар маҳалла оқсоқолларини маслаҳатчилар ҳам сайландилар.

Маҳкур тадбирда Юнусобод туманининг ҳокими Аҳмад Қосимов иштирок этди. Саъдулла ШОДИЕВ.

КАСАЛХОНАДА ЯНГИ БЎЛИМ

Абу Али ибн Сино номи 1-шаҳар клиник касалхонасида 20 ўринли янги бўлим — шифокорлар саломатлигини сақлашга мулкжалланган қисм очилди.

Шу муносабат билан уюштирилган иттиғини касалхона бош шифокори Мурод Қодиров кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош ботикармасининг бошлиғи Қўлаҳмад Ризаев сўзга чиқди. У тиббиётнинг барча соҳалари бўйича хизмат кўрсатилаётган янги — соғлиқни сақлаш қонинларига мўлажалланган бўлиш республикада ягона экани, барча қўлайликлар жўяиб бўлган бу жойдаги беморхоналар бир ва янги ўринли эканини таъкидлаб ўтди. Митинг давомида шаҳар соғлиқни сақлаш бош ботикармаси касабаси уюшмасининг раиси Лота Яхьялов, касалхона қошида ташкил этилган тиббиёт коллежининг директорини Маъсуда Фойзалова-лар ҳам сўзга чиқдилар.

Маъмур РАИМОВ.

Ўрта Осиё халқлари бошқа халқлар сингари ўзларининг кўп асрлик бой ва бебаҳо маданий меросига эгадирлар. Улар дунё тарихига, кишилик маданиятига улуг ҳисса қўшган, нодир ёдгориқлар яратган халқлардандир.

Ўтмишдошларимиз томонидан ёзиб қолдирилган айрим қўлёзма асарларида қайд қилинишича ва бизнинг давримизгача сақланган ҳашаматли бинолар ўзбек метъорчилигининг қадим замонларидаёқ юксак даражада тарққий этганлигидан гувоҳлик беради.

Ўзгалликка тенгсиз нақшларга бой, чиройли, меъъорий кўринишга эга бўлган ҳашаматли ва нафис бадийлиги ўзида мукса-самлаштирган бинолар неча юзлаб усталар, метъорлар, рас-сомлар, ҳаттоларнинг моҳир қўллари, кўз ёшлари билан юза-га келтирилган. Бу асос ёдгориқлар қадим метъорчилигимиз-нинг тоқ асарлари бўлиб, биз учун ниҳоятда қадри ва муътабардир.

Халқ усталари яратган бу қадимий ёдгориқларнинг ўзинга хос тарихи, ўтмиши бор. Меъморчилик жаҳоннинг ўзинга хос сол-номасидир. Қўшиқлар ҳам, риво-ятлар ҳам тилдан қолганда метъорчилик тилга киради. Дарҳақ-қат, ҳар бир обида муайян та-рихий бир даврни татрифлаб бе-рувчи ҳолдадир.

Меъморчилигимиз тарихини Хонжа Аҳмад Яссавий мақбараси-сиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Биз кўндала ўзгалликка тенг-сиз, нақшларга бой, чиройли метъорий кўринишга эга бўл-ган Аҳмад Яссавий мақбараси, унинг қурилиш тарихи, беаказ-лари, қай даражада сақланганлиги, таъмири ва бугунги аҳоли тў-ғрисида фикр юритмоқчимиз.

Тарихдан бизга маълумки, ўр-та аср ҳукмдорлари ҳамада ай-рим нуфузли юқори табақа ва-киллари сиёсий ёни диний ма-қадлари назарда тутиб, ҳажм жиҳатидан йирек метъорий бино-лар: Мадраса, Сарой, Мақбара ҳонақа ва бошқа иншоотлар бар-по этишган. Бундай турдаги би-нолар айниқса, XIV, XV аср-ларда, яъни Амир Темур ҳукм-ронлиги даврида кўп-қўл қури-ла-ди ва анда-дан ривожлантирилди. Моҳир метъорлар, гишт теру-вчи-лар, ўймакорлар ва ҳаттолик санъатчи усталарнинг ижодий меҳнати буюк бобомиз Амир Те-мур пойтахтини жуда кўп мух-ташам ва ўзгал бинолар билан беади.

Ўша даврнинг талантли уста-лари томонидан Темурнинг буй-руғи билан Аҳмад Яссавий қаб-ри устига мақбара қурилади. Та-рихий Туркистон шаҳрида қу-рилган бу нақшкор мақбара ўзининг қурилиш услуби, декора-тив сирлари, мармар ва ёғоч ўй-макорлигидаги нафислиги ва мус-таҳкамлиги билан киши диққати-ни ўзинга жалб этади.

Амир Темур даврининг йирек тарихчи Шараруддин Али Яз-дийнинг ёзишича, мақбара 1397—1399 йиллар мобайнида қурилган. Мақбаранинг узунлиги 65,5, эни 46,5 метрни ташкил этиб, бир неча гўмбазлардан иборатдир.

Қурилиш ишлари тез ва сифат-ли олиб борилиши учун Амир Те-мур тажрибали уста Мавлоно Убайдуллони тайинлайди.

Мақбара қурилишларида Ўрта Осиёнинг, жумладан, Бухоро ва Самарқанднинг энг йирек ва таж-рибали метъорлари қаторида, Ўр-та Шарқнинг истеъдодли уста-лари ҳам жалб этилди. Қури-лишда Хўжа Ҳасан ва Абдула-ҳоб Шерозийлар айниқса жонбоз-лик кўрсатиб меҳнат қилганлар.

Бино пештоқлари ганч беаказ-лари билан, эшиклари эса олиё-нав ёғочдан ясалиб, жуда нафис ва ўзгал ўймакорлик нақшлари билан беазтилган.

Эшикдаги жарангдор ҳалқалар етти хил рангдор металлдан иш-ланган бўлиб, ҳалқадан нафис беазилари ва олтин йирек шам-дондаги санъатчи исфаконлик Назатиддин ибн Тоқиддин жуда моҳирлик билан бакарган. Ҳар бир ҳалқада балқиб ва кўш боши тасвирланган унда кўфи услубида шеърлар битилган. Тадбиркор ус-та бу нақшларни низоҳисига ет-казган, олтин ва қумушдан ҳал бериб, унда ўз исмини ёзиб қол-дирган.

Мақбара ичида Аҳмад Яссавий-нинг қабри қўйилган зияратхона, китобхона, ошхона, масжид, қу-дўқхона шунингдек, 1397 йил-ли Темур буйруғи билан таъриқлик уста Абдуллазиз ибн Шарифид-дин ўғли Туркистон шаҳридан 25 километр узоқликда жойлашган Қарноқ қишлоғида таъйирлаган бронза дошқозони ҳам бор. Оғир-лиги 2 тонна бўлган, 600 челак сув сигадиغان бу қозон ҳовуз нафисининг бакарби, доимо сув солиниб турилган.

Бино қурилишда мармар тош-лар ҳам кўп-қўл ишлатилган. Жум-ладан, пойдепор ва нискига ми-но-ро атрофлари, эшик ёшлари, бу-сага ости бинонинг ичи, суна-лари ва сағаналари мармардан жуда мустаҳкам қилинган. Мар-марнинг бир қисми атроф жо-лардан, яъни Нурута мармар қопдан ташиб келтирилган. Мар-марин йўниш, сифатли қилиб те-кислаш, турли нақшлар бериш ва айрим диний ёзувлари ёзишда тажрибали тошторош уста Мав-лон Убайдулло Садринг хиз-матлари катта бўлди. Мармар-нинг бир қисми сағаналар учун Тавриздан келтирилган. Саған-

лар жуда нафис қилиб силқил-ланиб унга кўфи услубида диний сўзлар ёзилган. Мақбара девор-ларига турли даврларда, жум-ладан, 1254 хижрий (1838) йил-да қўнқилик Мухаммад Хайрул-ла, қонбодомлик Тураҳўжа ва бошқа шахслар томонидан Қуръ-ондан айрим диний сўзларни ёз-дирганлар.

Туркистон генерал-губерна-торлиги маҳкамасининг таржи-монни, шарқшунос олим Мир Со-лиҳ Бекчуриннинг ёзишича, бу муҳташам мақбарда Хонжа Аҳ-мад Яссавий қабридан бошқа қо-зоқ султонларидан кичик ўрда хони Абдулхайрон ва унинг хо-ни Робийобегим (Темурнинг эва-раси, Улугбекнинг қизи бўлган), Ўрта ўрда хони Абдулҳа, номаъ-лум шахзода Бобо Самад Ўл-барс ота қабрлари ҳам бор.

Аҳмад Яссавий мақбараси ўзи-нинг қурилиш услуби, жиҳимжа-дор беазилари, товланиб турув-чи сирли қошиқлари ва ички қис-мидаги зеб-зийнатли бўюмлари билан Туркистонда якяқо игона бинолардан бири бўлган. Афсу-си, бундай ҳашаматли бино босқинчилик урушлари, тахт-тоқ ва ўзаро жанжаллар вақти-да анча зарарланган, емирилиб кетиш хавфи остида қолган. Уни сақлаб қоллиш тўғрисида ўша даврда ҳеч кимса ҳаракат қил-мади, қайгурмади, аксинча, пи-шққ гиштларини турли иморат-ларга ишлатиш учун, қозонала-рини эса асдалик учун ўғирлаб кетганлар. Фақат Бухоро хони Абдуллахон II (1557—1598) за-монда мақбаранинг тугаллан-маган асосий пештоғига бироз ишлов берилди ва таъмирланди. Қўнқиликлар ҳукмронлиги (1814

ча ташлаб қўйилган. «Агар бино шу турлида қилиб кетаверса, ўқ зарбидан тешилган қорчи қис-мидан сув ва қор тушиб шундай улкан тарихий зияратхонанинг тез бузилиб кетиши ҳеч гап эмас, ҳо-зирнинг ўзида ёрилган ва тешил-ган жойлари нам тортиб, гўмбазни остидаги сувоқлари ўпирлиб ту-шмоқда деб, 1866 йилининг 19 фе-вралда ёган эди Мир Солиҳ Бек-чурин.

Лекин улар бинони таъмирлаш ва сақлашга унчалик эътибор бер-масдан, асосий мақсад материал тўплаб, илмий иш қилишга қа-ратилган эди. Масалан: Петербург университетининг профессори Н. И. Веселовский «Туркистондаги Хо-жа Аҳмад Яссавий мақбарасининг чизма режаси ва расмларини олиб ўрганишимиз ва уни сақлашимиз керак», дейди. Ганнинг мазмуни-га қараган, чизма режаси ва рас-мларини олиб сақлаш керак дейди, бинонинг ўзини-чи? Профессор Н. И. Веселовский булар учун 3000 сўмлик ҳаражатларини Туркистон генерал-губернаторлигидан сўрай-ди ва 1897 йилнинг 5 октябрда Ўрта Осиёни ўрганиш комитети Туркистонга Петербургда метъор расм А. М. Гуржиенко, Қозон шаҳридан эса А. И. Гороховларни жўнатади, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасининг тар-жимони, Ўрта Осиё халқлари та-рихининг билимдони, элшунос ва қадимшуноси, полковник Абубакир Диваев (1856—1933), Аҳмад Яс-савий мақбараси ичида XVIII аср-дан уста Хонжа Хон томонидан тайёрланган думалоқ муҳр борли-гини аниқлаб, уни 1895 йили Қо-

ички қисми ва миноралари бироз зарарланади.

Орадан уч йил ўтгач, 1910 йи-ли Туркистон шаҳрида яшаб тур-ган маҳаллий аҳолидан бир му-ча пул (12.000 сўм) йиғилган, масжид бошиқлари Сирдарё ви-лояти бошқармасига қарашли қу-рилиш бўлимидаги бир техник билан келишиб, бинони таъмир-лашни унинг зиммасига юклайди. Лекин бу иш низоҳисига етмасдан, тезда тўхтатилади. Бошқарма техникнинг ишини текшириб, уни жиний жавобгарликка тортиш ло-зимлигини ўқтиради. Унинг қилган бу иши «Қурилиш устави»га бу-тунлай эид бўлиб, уни қўпол ра-вишда бузганлиги учун Петербур-даги Сенат қарори билан қамоққа ҳукм қилинади. Ана шу муҳиш воқеадан кейин бинога бўлган муҳаббат, таъмир қилиш ва қури-лаш ишлари сусайди, йиғилган пуллар ҳам талон-тарож қилинади. Маҳаллий маъмурият тарихий би-нога нисбатан бепарво бўлганлиги-дан, бу ердаги бўшаб қолган ёғоч-ларни ўтнга, гиштларни хўжалик ишларига ишлатар эди. Мармар бўлаклар турли хил заруриятлар-га, қошиқ беазилар эса айрим тақводор одамлар томонидан ка-салликлардан халос этувчи муқад-дас бўюм сифатида олиб кетилар. «Маданиятлик аристократия вакил-лари», туристлар ва айрим сайёҳ-лар «Эсдалик» деб кўчириб оли-шар ва ўзлари билан олиб кетар эдилар. Фақат ўтган асримизнинг сўнгги йиллари ва XX асрнинг бошларида таловчилар илмий жи-ҳатдан қимматли ёдгориқларга доир бир неча бўлакларни ўғир-лаб кетишди. Жумладан, 1905 йилда Хонжа Аҳмад Яссавий мақ-барасига ўғри тушиб, нафис эшик-даги гулдор ҳалқа, бронзадан қилинган шамдоннинг пастки қис-мини ва қандили олиб кетган. 1914—1918 йилларда, яъни би-ринчи жаҳон уруши давом этаёт-ган бир вақтда Петербургдаги Россия императорлигига қарашли археология хайъати Туркистон ўлка генерал-губернаторига му-рожаат этиб, Туркистондаги ҳажма шамдонларни Петербургда Импе-ратор Эрмитажга юборишни сў-раганда, ҳайриятки; ўлка генерал-губернатори А. В. Самсонов рад жавобини берган.

Халқнинг ўтмишдаги улуг ис-теъдоди, сўнмас санъати, жонба-дор маданияти ҳақида гувоҳлик берувчи бинокорлик ёдгориқлари-ни давлат муҳофазасига ўтказиш, эҳтиёткорлик билан асраш ва вақ-ти-вақти билан таъмирлаб туриш ишлари фақат бизнинг давримизда амалга ошди.

Тажрибали муҳандис ва олим-лар бу тарихий бинони мукамал ўрганиб, илмий мақолалар ёзи-лар, таъмирлаш бўйича маслаҳат-лар бердилар.

Мақбарани Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент ва қўнқилик қўли гул тажрибали усталари таъмир-лаб, бинога қайта ҳаёт бағишла-дилар. Шарқнинг ҳашаматли ва ўзгал тарихий бу бинони таъмир-лашда Қозогистон Республикаси маданият вазирлигига қарашли илмий-таъмирлаш устасонасининг А. Ордабоев, В. Туёқбоева, Ф. Сулаймоновлар сингари тажрибали метъорлари айниқса жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Икки қардош халқнинг маъна-вий бойлиги бўлган бу асрий ёд-горлик қадим метъорчилигимиз-нинг тоқ асарлари бўлиб, биз учун ниҳоятда қадри ва қиммат-лидир. У халқимизнинг ўтмиш маданий меросини, ақлолдор таж-рибасини ўрганиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тарихий ва маданий ёдгориқларни-нинг кўз қорачиқдек асраш, таъмирлаш, ардоқлашимиз ва кел-гуси авлодларга етказишимиз ке-рак.

Туркистон шаҳри бир вақтлар бутун муслмон шарқида диний ва маърифий марказлардан бири бўлиб, «Иккинчи Макка» деб юри-тилар эди.

Мақбарани таъмирлаш, ободон-лаштириш ва уни сақлаш юза-сидан катта ишлар амалга ошири-ламоқда. Туркистон шаҳар ҳокими, профессор Бахтиёр Қодирбеков-нинг сўзларига қараганда, ҳозирги кунда мақбара учун 90 гектар ер ажратилган. Унинг атрофлари ан-ча кенгайтирилди, дарахтзор, соя-салқин хиебинолар, сайёҳлар учун маданий-маиший дам олиш жойлари барпо этилади, Мақбара мажмуасини қайта таъмирлашга Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, ва Шаҳрисабз шаҳарларидан таж-рибали халқ усталари таклиф эти-лади.

1978 йилдан бери музей вази-расини бакарби келаятган бу тарихий зияратгоҳда фақат Ўрта Осиёдан эмас, балки хорижий мамлакатлардан ҳам ҳар йили минглаб сайёҳлар келиб кетади-лар.

Ҳа, йиллар, асрлар ўтди. Лекин бу мақбара ўзининг ўзгаллиги, муҳташамлиги, беаза ва гула-рининг нодирлиги билан ҳамои кишиларни ҳайратда қолдириб кел-моқда. Туркистонга илк бор қадам қўйган кишилар ҳам, қайта-қайта келганлар ҳам тарихий бу нодир обидани, инсон айл-заковатининг бу тенгсиз муъжизасини бир кўр-масдан кетмайдилар.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, санъатшунос, «Мерос» жамия-тининг аъзоси.

* Сиз кутан учрашув

«ИЖРО БЎЛСА БАС!»

ЎЗБЕКИСТОНДА хизмат кўрсатган артист, Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри актери Турди-бек Содиқовдан «Сиз қандай ролларни ижро этишни ёқтирасиз?» деб сўраганимизда, у киши ҳеч ўйлаб ўтирмай: «Ишониб топширилганини, Зеро, артист минг мақомга туша олиши керак. Бўл-маса унинг актрерлиги қайда қолади?» деди. Аммо биз у кишини кўпроқ комик ижроларидан биламиз-да... Келинг, ях-ши-си, Турдибек Содиқовнинг ўзи билан гаплаша қолайлик.

— Турдибек ака, ҳаммани қизқир-ган одатий саволимиздан бошлайми. Театрини танлашнингизга нима сабаб бўлган?

— Ёшликдаги овуларим эди у, — дейди Турдибек Содиқов. — Ҳали-ҳали ёшда. Зомин кишлоғимиз мактабида ўқиб юрган кезларимда радиодаги «Те-атр микрофон олдидан» деган эшиттириш-ни бутун вужудимни қулоқ қилиб эши-тиришардим. Бу адабий-бадий эшит-тиришлар мен учун ўзга сайёрадан ажойиботларга гаройиботлар, бир сирли олам эди. Бу қизқичиларни орасидан мақтабимизнинг драма тўғралига қат-наш бошладим. Мактабни тугатган эса... албатта театрни ўргатадиган институт-ни топиб ўқийман, мен ҳам Олим Хў-жаев каби артист бўламан, деб ўз-ўзим-га қарор бердим. Уйимдагилар бу қаро-римни эшитиб, хурсанд бўлишди. Бирок қўни қўшилар, ҳатто мактабимдаги баъзи ўқитувчилар: «Тўя ҳаммомини ордун қилибди. Сен бир қишлоқ боласи бўсанг, йўл бўлсин катта шаҳарга» дейишди. Бу «дакик» эса мени тамом тинчмай йўқотди. Ҳал сенларини, дедим-да. Тошкентга мунавордим. Қи-дира-қидира Островский номидаги театр ва расмий институтни топиб-да, ҳужжатларимни топширдим. Бир ойча имтиҳонларга тайёрланиб бўлгач, йўқ — омадидан бор экан, ўқишга қабул қилин-мади. Ўша вақтдаги устозларим (ҳозир-да марҳум) доцентлар Нина Ивановна Тимодеева, Назира Алиевалардан ми-натдорман. Улар менга нима керак бўл-са, ҳаммасини беришди, ўргатишди.

— Ўқув даврида бирор театрда ҳам ишлаган бўлсангиз керак?

— Йўқ, фақат институтда репетиция-лар қилардик. Бахтимизга ўқишлари-мизни битиришимиз билан «Еш гвар-дия» театри ишга тушириладиган бў-либ қолди. Ўртоқла-рим Шухрат Рўзихонов, Эркин Коми-лов ва бошқалар билан тўппа-тўғри шу ерга ишга қабул қилиндик, албатта им-тиҳонлардан муваффақиятли ўтгач. Хуллас, менинг илк фаолиятим ҳам шу ерда бошланди. «Еш гвардия» — ҳо-зирги Аббор Ҳидоятлов номидаги ёш томошабинлар театрининг қалдирғоч-лари бўлиб қолдик.

— Қайси йилларга тўғри келади?

— «Еш гвардия» театри 1968 йили ишга туширилган бўлса, 1986 йилгача, яъни 18 йил ишладим. Кейин шу йили Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри очилдиган бўлиб қолди. Кўпдан бери ўйлаб юрган орзуларимиз ушлар экан-да, деб, буюқча ишга кел-дик, қалдирғоч бўлиб. Мана, ҳозир баҳоли қудрат ўзбек сатирасини ўқир-лаб, чархлалаймиз.

— Эшитишимизча, «Еш гвардия»да ромп-роко сурунчасига 15 йил қўйил-ган «Еш кунлик кўё» спектаклида Мирабаҳром образини қойилмақом ўй-наганингиз учун мухлислар ҳам ор-тирган экансиз.

— Ҳа, менинг энг яхши ролларим-нинг бири эди — Мирабаҳром. Мени актр сифатида танитган ҳам шу образ. Ижодий ёлдошганимдан, ё ўзимга жуда мос тушганимни, одамлар мени ис-м-фамилиямни ҳам унутди, «Мирабаҳ-ром» деб юришди. Саҳнага чиқишимиз билан томошабинлар кулаверлар эди. Демак, мен ёзувчимиз Шухратнинг «Еш кунлик кўё» асариданги Мира-баҳромга айланб бўлибман. Бу актрер учун катта ютуқ. Ҳали-ҳали ўша йил-лардаги мухлисларим мен «Мирабаҳ-ром» деб қулишга яйраб кетаман. Актрернинг бахти шу-да. Ҳозир шу асарни яна тиклаб, замонавий руҳ берайли-ми, аммо билмадим, бу сафар ҳам Турди-бек Содиқов эмас, Мирабаҳром бўла оламани-йўқми, томошабинлар ҳукми-га ҳавола. Лекин мен ҳам қараб тур-ганим йўқ.

— Турдибек ака, сиз ижро этган роллар кўп: шоир Шукруллонинг «Жан-жал» спектаклида, яна қандай эшитиб қолдик, Шароф Бонбонковнинг «Темир хотин» спектакли анал Сатира театри-да қўйилган экан-у, аммо театр фести-валига номзоди кўрсатилмагани учун улоқин Фаргонага килиб кетган экан. Ян-лишмасам, Шароф Бонбонков «Кўчор» ролини фақат Турдибек Содиқов ижро эта олади, деб сизга тавсия этилган экан.

— Тўғри, Фаргонадан бурун бу асар аввал Сатира театримизда намойиш этилган эди. Мен эса беш ҳафтамо Кўчор образини яратдим. Спектакль муваффақиятли чиғди-ю, аммо биз те-леаркани бермаган эдик. Фестивалга ҳам топширмоқчи бўлдиг-у, аммо Фар-гона ҳам дастурга киритгани учун улар-га бўлган ҳурматимиз юзасидан бошқа спектаклимизни бердик. Шундан қилиб, «Темир хотин» Фаргонадаги бўлиб кет-ди.



ди. Аммо ҳеч афсусланмайман, мен барибир «Темир хотин»да Қўчор ро-лин муваффақиятли ижро этганман. Марҳамат, томоша қилишингиз мумкин.

— Турдибек ака, Абдулла Қаҳҳор-нинг бир неча асарларида, Незмат Ами-новнинг туркум ҳикояларида ўзингизга ишониб топширилган образларни қойил-мақом ижро этганингиздан хабаримиз бор. Айниқса, «Содиқ даканг» ҳам мух-лисларга маъқул тушган.

— Ўйнаган ролларим кўп. Санаб ўтиришнинг фойдаси йўқ, фақат бари-бир бир нарсадан ҳафаман. Еш драма-турларимиз сатирик, комик асарлар ҳам ёзаётгилар. Кекса ҳажвчи ёзувчи-ларимиз ҳам тегирмон навати билан дейишяпти.

— Сизга махсус асарлар ҳам ёзиш-ганими?

— Фақат ваъда бериб юришибди. Шулардан энг ҳурмат қилган ёзувчи-миз Незмат Аминов «Содиқ даканг»ни ижро этганимдан кейин: «Ўндоқ қойил қилиб ўйнадингиз, сизга энди битта ҳафрамон қараман. Сизга махсус бир асар ёзаман» деганлар. Аммо қалнғача натижа қўрнмайлти. Умидли дунё — кутамиз-да.

— Ҳозирги ёшлар ичида келгусида Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Ғани Аъзамов ва бошқа талантли актрлар борми?

— Бор ҳам дея олмаيمان, йўқ ҳам. Нега десангиз, ҳозир студиялар қўна-йиб кетди. Энди ҳаммасини ҳам «ўзаб-лармонлар» дея олмаيمان-у, аммо қўп-лиги ақаланиб, ўз ёлғарига ўзлари қоврилиб қолайтилар. Ахир дарахт бир ерда кўкарадида, сайр қилиб боло-ғатга етмайди-ю тўғрими? Айниқса, қизқичилар таловлари пайдо бўлиб, ҳар ким ўзча артист бўлиб кетаяпти. Ачинарли томони шундаки, улар театр-нинг яхши актрери бўлиш ўрнига лати-фачи қизқичиларга айланиб қолайти-лар. Аммо оддий қизқичи билан театр актрери ўртасида ер билан осмонча фар-қ бор. Аслида менга қолса, «Қизқич» конкурслари ўрнига «Масхарабо» кў-рин-таловлари ўтказилса яхши бўлар-ди. Ҳозир Тошкент Давлат циркига масхараболар жуда-жуда зарур.

— Саволимизни ҳазилга олдингиз, шекилли.

— Ҳазили йўқ, қизқичи бўлиб тан-даётган баъзи ёшлар циркда ажойиб масхарабо бўлишлари мумкин. Нима, масхараболик санъат эмасми? Дунёни кесган масхараболар ҳам бор-ку! Бу ҳам халқимиз фахри! Энди чин маъно-да қайғуриб айтадиган бўлсам, театр-даги баъзи яхши актрлар ҳам студия-лар оғиб, биздан йироқлашиб кетди. Тўғри, бугунми-эртами, яна қайтиб ке-лишлари мумкин, аммо кеч бўлади. Ҳар қандай актр 30 йилгача ўз маҳо-рини намойён этиб, йўналишини топиб ололмаса, кейин ҳеч ким бўлиб қола-вермай. Шунинг учун актр деган театрда уст-улгайиши ва ҳар қуни, ҳар соатда театр билан бирга нафас олиб туриши керак. Театр — катта бог: бирдан олиб, бирга беради.

— Ёллишимизча, келинчоним Жами-лахонимни ҳам театрда тошган экан-сиз...

— Рост, «Еш гвардия»да бирга иш-лаб, бир-биримизни синаб, турмуш кур-ганимиз. У вақтларда ётоқхонада яша-ганим учун тўй ҳам театрда ўтказилган. 1971 йили тўй қилгандик. Мирабаҳром берган обрўга уйлганман.

— Фарандларингиз борми? Сизнинг кетингиздан бораётгани-чи?

— Икки ўғлим, бир қизим бор. Кат-та ўғлим Донёр Содиқов ота йўлини тутган, ҳозир Тошкент Давлат санъат институтида тахсил олмоқда. Еш На-воий, ёш Бобур ролларини ижро эта-ётгани ҳам билсангиз керак. Телевизор-га чиқиб, анча югур-югур бўлиб қолди. Ўндоқ қизқичди. Қўнм Дилоромхон эса онаси кетгандан бориб, тикувчиликка ўқи-япти.

— Кенжаси-чи?


— Ҳозир 234-мактабда ўқияпти. Бу йил битирилган. Аммо у театр актрери бўлиш орзусида эмас. Шуниси сал бош-қароққ чиғди. Спортга қизқичди. Ҳа-линг, янги чиққанлари бор-ку: кураш усуллари, шунга қизқичди. Майли, бит-тасиям етади. Донёрдан умидларим катта. Худо хоҳласа, келгусида шу ўғ-лимдан тузукроқ актр чиқади-ей. Яна нимаим дейдик, театримизга тез-тез ма-на шундан ўртоқларингиз билан ҳам келиб туринг, томоша қилинг. Театр кўрмаган одам ўчоқ бошида ўтин ёниб юрган ёкувчига ўхшайди. Менинг бир яхши маслаҳатим: маданиятга бўламан деган киши тез-тез театрга, концертлар-га тушиб туриши керак.

Зомр ТУРСУНОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўр-сатган артист, Абдулла Қаҳҳор номи-даги Республика Сатира театри актери Турдибек Содиқов.

* Маънавий қадриятларимиз

ЎЗГАЛЛИКДА ТЕНГСИЗ ҚОШОНА



— 1863) даврида бу ноёб мақ-бара то Туркистон шаҳрини ўрис брскинчи қўшнларни томонидан босиб (1864) олганига қадар Қў-қон хони аскарларининг ҳарбий аслахалари сақланадиган омбор-хонага айлантирилган эди.

XVI—XIX асрларда Туркистон шаҳри қозоқ хонларининг қарор-гоҳи бўлиб хизмат қилган. 1864 йилининг ёзида генерал Черняев ва полковник Верёвкин қўмон-донлигидаги босқинчи ўрис армия-си қўшнларни Туркистонни қамал қилдилар.

Босқинчилар шаҳарни тезроқ қўлга киритиш мақсадига, Хонжа Аҳмад Яссавий мақбарасини зам-бараклардан ўққа туттишга буй-руқ бердилар.

Агар биз мақбарани тезроқ вайрон қилсам, шаҳар шунчалик тез таслим бўлади, деб ўйлаган эдилар, босқинчилар.

Натижада кетма-кет отилган оғир ўқлар зарбидан мақбаранинг ўн бир жойи қаттиқ шикастланди, бинонинг тўрт жойини замбарак ўқи тешиб ўтди.

Ерли аҳоли бинонинг ичига кириб олса отишлари тўхтаса керак, деб ўйлаган эдилар. Лекин унинг акси бўлди. Шундан кейин бошқача йўл тутдилар. Агар Тур-кистон Шайх ул-Ислом Насрулло хонжа Исҳоқ Хонжа мақбара вайро-хона айланиши олдини олиш учун ўзи зудлик билан чопиб минора-нинг устига чиқиб, оқ байроқни кўтариб шаҳарни топширдик де-маганида эди, — деб ёзади шарқ-шунос олим Мир Солиҳ Бекчурин, — мақбара бутунлай вайрон қи-линган бўлар эди.

Мақбаранинг 1864 йилдаги дах-шати замбарак ўқларидан кейин вайрон бўлган жойлари анча вақтларгача тузатилмаб ўз ҳоли-

зон университети қошидаги архео-логия (қадимшунослик), тарих ва этнография (элшунослик) жамияти-га юборилди. Бу ерда уни Қозон диний академиясининг илмий хо-димини Соҳиб Гарай — Павел Ни-колаевич Аҳмеров (1868—1900) кунт билан синчилаб ўқиши на-тижасида муҳр мақбарата те-гишли бўлиб, унинг ўртасида «Ҳаз-рат Султон Хонжа Аҳма


ҒАМХҰРЛИККА ЯРАША

Х А М М А С И
МЕЪЁРИДА БЎЛСИН

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,
марказининг шифокори.

**ЧИНИҚҚАНГА ГАРД
Ю Қ М А С**

Йилда тиббиёт билим юрти-
ни тамомлаб, Сирдарё ви-
лоятида ишлаб чиқариш



© СУРАТДА: Эмма она
Аматова навбатдаги қабул

* Хоҳ
мишонини,
хоҳ...

ЧОПРАНИНГ У МАСЛАХАТИ

САЛКАМ ИККИ ЛАҲЗАЛИК ПАРВОЗ

БОЙ БУЛСАНГ ЖИМ ЮР

ВОЙ-БУИ

Ортиб қолган маб-
лаг Оқ уйнинг ҳар йил-
ги жорий таъмирига
етар экан, демак у анча
мунча экан-да! Ҳар
қолда сенаторнинг
фикри қандай қабул
қилинар экан!

НАФОСАТГА ОШНО КАЛБ

— Миллий санъатимизнинг қисси йўқ. Ешларга шу санъатни етказиш эса бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бириндир, — деди Ҳамдамон. — Ёғоч уймакорлиги, ганчкорлик тўғрорақлари ташкил этилган.

— Даста ҳақида ҳам гапириб



шумалиётини ўтаб қайтгач 8-
уруғқўхонага ишга келди.
Пу-шу аёллар дардига мал-
ҳам, дилига сирдошдир.

© СУРАТДА: Эмма она
Маматова навбатдаги қабул

Тоҳир НУЛДОШЕВ

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ



Қишга «келини» бўлган арчаюни
Келинлик либосини муборак бўлсин.

Козим Улмасов сурат лавҳаси.

* Миш-мишлар ва ҳақиқат ШУБҲАЛАНДИНГИЗМИ, ДАРҲОЛ МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

Кейинги пайтда қалбаки пулларни тайёрлаш ва уларни сотиш ёки бошқа йўллар билан муомалага кириштириш халқ хўжалиги молиявий асосига катта зарар етказувчи энг хавфли жиноят турларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, — дейди Комилжон Қодирович. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда милиция ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хизматлар қалбаки пул ясовчиларга қарши кураш ишига катта аҳамият билан ёндошадилар. Бинобарин, ҳар бир қалбаки пул аниқлигини ҳоли юзасидан дарҳол махсус тезкор тергов гуруҳлари ташкил этилиб, қалбаки пул тарқатилган манбани аниқлаш, жиноятчиларни қонун бўйича белгиланган жавобгарликка тортиш мақсадида бутун заҳур чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

Кези келганда шуни эслатиб ўтиш ўринлики, Тошкентда бу каби жиноятлар жуда кам учраган. Жумладан, 1977 йилда пойтахт милицияси томонидан 10 сўмлик сохта пулларни тайёрлаган қалбаки пул ясовчилар гуруҳи фоти этилган эди. 1990 йили эса хонаки усулларда 700 данга 5 сўмлик пулларни тайёрлаган кимса қўлга олинган. Шу йилнинг бошларида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг иттифоқ соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистонда 1000 сўмлик қалбаки пулларни тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланган, таркиби 18 кишидан иборат жиноий гуруҳи фоти этилди. Ушбу қалбаки пуллар Санкт-Петербург шаҳрида тайёрланган бўлиб, Санкт-Петербург шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда мазкур жиноий гуруҳи шига тўла барҳам берилиб ҳамда улар томонидан ясалган барча қалбаки пуллар мусодара қилинди.

Ҳозирги вақтда эса бир қатор ҳаммуҳим мамлакатларда янги миллий валюталарнинг муомалага кириштирилиши муносабати билан пул муомаласи «оҳасида» бирмунча мураккаб вазият юзага келди. Гап шундаки, бизнинг жуда кўп фуқароларимиз ушбу янги пулларни ҳеч қачон қўллари билан ушлаб қўришмаган, зоҳан унинг қоғози, суратлари ва ҳарфларининг ўзига ҳос томонларидан беҳабарлар. Бу

эса афсуски, фибригларлар ва қалбаки пул ясовчиларнинг фаолияти юретиши учун ўзига хос қўлайликлар туғдилади. Яқинда Россия банкнинг 1993 йил нусхасидаги Ўзбекистонда жуда кам учрайдиган 50.000 рубллик пул белгилари бўйича шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Шу йилнинг 11 ноябрь кунин «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида милиция ходимлари томонидан 1964 йилда тутилган муқаддам судланган (унинг исми-шарифини айрим сабабларга кўра ҳозирча маълум қилмаймиз) фуқаро ушланди. Бу шахс айнан 50 минг рубль қалбаки Россия пулларини «пуллаётган» пайтида қўлга олинди. Қизғин шундаки, унинг ёнида шундай қийматдаги қалбаки пуллардан бир йўла учтаси мавжуд эди. Ҳозир мазкур ҳодиса юзасидан жиноий иш очилди, тергов ҳаракатлари кетмоқда.

Бундан икки ҳафта илгари эса ички ишлар идораларига ўзини фибригларлар қурбони бўлган деб ҳисоблаган Миробод туманида истиқомат қилувчи бир фуқаро мурожаат қилди. Маълум бўлишича, у бир неча кун аввал номаълум кимсadan 1993 йилда чиққан 50 минг рубллик пуллардан 34 донасини сотиб олган экан. Тартиб посбонлари томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида қалбаки пулларнинг сотётган кимсанинг шахси аниқланди ва у қўлга олинди. Ҳозир тергов ишлари натижасида ушбу жиноятга алоқадор бошқа кишилар ҳам аниқланди.

Умуман, 1993 йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкентда 1 минг рублдан 50 минг рубль қийматгача бўлган жами 225 данга қалбаки пуллар аниқланди. Уларни сотётган 18 киши ушланди. Бинобарин ўзини қўриб турганингиздек, кўп миқдорда қалбаки пуллар муомалага юретиши тўғрисидаги миш-мишлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган. Муомаладан олинган СССР ва Россия давлат банкнинг қалбаки пулларни жуда паст техник даражада тайёрланган ва уларнинг исмаси эканлигини билиш учун бу соҳа мутахассиси бўлиш ҳам талаб этилмайди.

Мабодо сизнинг қўлингизга ҳам қўринишдан шубҳали бўлган пул тушиб қолса, ундан харид ёки тўлов воситаси сифатида фойдаланиш орқали қўтулишга уринманг. Бундай ҳолларда албатта дарҳол ички ишлар идораларига мурожаат қилиш даркор.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот шўбаси.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИҲЖОРАТ ЖАБАРАЛРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ЭЪТИБОРИГА!

1993 йил 1 декабрдан халқаро алоқа хизмати нархлари (тарифлари) ўзгарди.

УЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ТАРИФЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Алоқа хизмати турлари	Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон				Ўзбекистон, Арманистон, Грузия, Беларусь, Россия, Молдова, Украина			
	поездда		тайёрада		поездда		тайёрада	
	корхона учун сўм	аҳоли учун сўм	корхона учун сўм	аҳоли учун сўм	корхона учун сўм	аҳоли учун сўм	корхона учун сўм	аҳоли учун сўм
Посилкалар								
Вазни 1 кг. гача	350	200	440	260	5100	2180	6200	2680
1 кг. дан 3 кг. гача	900	530	1150	670	6890	2950	8830	3810
3 кг. дан 5 кг. гача	1600	940	3590	2110	8840	3790	13440	5760
5 кг. дан 10 кг. гача	2840	1660	5300	3400	11900	5200	17950	7700
Майда пакет								
Вазни 10 г. гача	200	200	300	300	200	200	300	300
Оддий бандероллар								
Вазни 20 г. гача	100	100	200	200	100	100	200	200
Оддий хатлар								
Вазни 20 г. гача	100	100	200	200	100	100	200	200
Буюртмали хатлар								
Вазни 20 г. гача	200	200	300	300	200	200	300	300
Почта картчакаси								
Оддий	50	50	100	100	50	50	100	100
Буюртмали	100	100	150	150	100	100	150	150

ХАТЖИЛД НАРХИ — 5 сўм-купон.

ПОЧТА КАРТОЧКАСИ НАРХИ — 10 сўм-купон.

ИЛОВАЛАР: 1. Юқорида кўрсатилган оддий хатлар ва почта картчакалари жўнатиш нархи бошқа хорижий мамлакатларга ҳам тегишли.
2. Почта жўнатмаларининг нархлари Ўзбекистон ҳудудида бандероллардан таъқари барча почта жўнатмаларининг нархлари ўзгаришсиз қолаверади.
3. Почта жўнатмаларининг нархлари ҳақида тўлиқ маълумотни алоқа бўлимларидан олишингиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ФИРМА
АҲОЛИГА ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРГА
ХУҚУҚНИ ЕРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
ИШЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРАДИ

Ўзбекистон Республикасидаги хуқуқнинг ҳамма тармоқлари бўйича маслаҳатлар беради;
ЮРИДИК ШАХСЛАРГА ХУҚУҚНИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ;
Маъмурий, суд ва бошқа органларда юридик шахс ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилади, мулкчиликнинг ҳамма шаклидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказишда хизмат кўрсатади;
тузилган шартнома ва келишувга мувофиқ хўжалик судларида қатнашади;
фуқаролик ва жиноий ишларда аҳоли ва юридик шахслар манфаатини ҳимоя қилади ва бошқа юридик хизматларни кўрсатади.
ФИРМА МАЛАКАЛИ ЮРИСТЛАРГА ЭҒА БЎЛИБ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХУҚУҚНИ ЕРДАМНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.
Мулоқот телефонлари: 33-28-80, 33-44-37, соат 10 дан 18.00 гача.

Х. З. КАЛОНОВ НОМИДАГИ ОЛИЙ
ХУНАР БИЛИМ ЮРТИ

машинкада ёзиш ва стенография

(замонавий иш юретишни билиш билан бирга)

ПУБЛИК КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10-эъ., 85-эъ., 146-эъ., 88-эъ.) автобусларнинг «Семашко» номидаги институт бекати).

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

трамвай, троллейбус ҳайдовчилари, кондукторлари ва ҳаракат таркибини соғлаш бўйича чилангарларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИГА — 72.000 сўм;
ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИГА — 87.000 сўм;
КОНДУКТОРЛАРГА — 38.000 сўм.
ҲАРАКАТ ТАРКИБИНИ СОЗЛАШ БЎЙИЧА ЧИЛАНГАРЛАРГА — 66.000 сўм ўртача ойлик маош берилади.

Шунингдек, таялов асосида ЕТАКЧИ ЮРИСТ-КОНСУЛЬТ (маоши 44.955 сўм) ва бухгалтер (маоши 41.040 сўм) ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ. Уларга ҳар ойда 75 фоиз мукофот берилади.

Трамвай ва троллейбус ҳайдовчилиги касбини ағалашсин хоҳловчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

трамвай ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига 20 ёшга тулганлар,

троллейбус ҳайдовчилари курсларига 21 ёшга тулганлар қабул қилинади.

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ой;

ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ой.

ЎҚИШ 23-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 17.040 сўм жиндориди стипендия ва электротранспортларда бепул юриш учун гувоҳнома берилади.

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ, ШУНИНГДЕК КОНДУКТОРЛАР ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИГА ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ВА ШИРКАТ УЙЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИЛАР.

ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ МАКТАБ ЎШИГАЧА БЎЛГАН МУАССАСАЛАРДА, ЎЗГИ ПАЙТЛАРДА ЭСА «ОРЛЕНКО» ЛАГЕРИДА ДАМ ОЛАДИЛАР.

ДЕПО ҲУДУДИДА СУЗИШ ҲАВЗАСИ, ДАМ ОЛИШ ХОНАСИ, САУНА, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КОМПЛЕКСЛАРИ МАВЖУД.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 3-трамвай-троллейбус депои (Со-биқ «Красновосточное») Темури Малик кўчаси, 3-уй. Телефон: 63-28-97.

23-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ: Темури Малик кўчаси, 3-уй. Телефон — 63-38-93.

БАХТИНГИЗНИ ТОПМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗИ
ЮЛДУЗИГА МОС КЕЛДИМИ?
КЕИИН АФСУСЛАНИБ ЮРМАНГИ!

Агарда мустахкам, бахтли-саодатли ва умр боқий оила қурмоқчи бўлсангиз!
ФАҚАТ БИЗ...

СИЗГА ТАНАЛАГАН КЕЛИНИ

ЕКИ ҚУЕВНИНГ ЮЛДУЗИ ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ЮЛДУЗИГА МОС КЕЛИШИНИ АЙТИБ БЕРАДИ
ҲАМДА ФАРЗАНДИНГИЗГА (қадимги аёна, урф-одатларга таянган ҳолда) ЮЛДУЗИ МОС КЕЛИН ЕКИ ҚУЕВ ТАНАЛАШДА ЕРДАМ БЕРАМИЗ.

ЎЗ БАХТИНИ ИЗЛАГАН ЁШУ ҚАРИ ҲАФТАНИНГ ЖУМА, ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 15.00 ДАН 18.00 ГАЧА ТОШКЕНТДАГИ АСТРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҚОШИДА-ГИ

«ОИЛА» КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИГА

МУРОЖААТ ҚИЛИШЛАРИ МҲМКИН

Бизнинг маконимиз: Амири Темури кўчаси, 21-уй, «Зодиак» маркази («Дўстлик» меҳмонхонаси олдида).
Ўзингиз билан фотосурат ва туғилган — вақтингиз ҳақида аниқ маълумот олиб келинг.

ТУРКИЯНИНГ «АЙ-СЕЛЬ» ФИРМАСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

котиба-машинистка (инглиз тилини биладиган); таржимон (инглиз тилини биладиган); пайванчилар; автомашиналарни таъмирловчи механиклар; электрчилар; автомашиналарни таъмирловчи электрчилар; автомиксер ҳайдовчилар; тракторчилар, экскаваторчилар; минорали кран қурашчи; Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Амири Темури кўчаси, 107-уй, «Ғалаба» боғи. Телефонлар: 34-53-82, 34-32-84, 34-41-83.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари

вазирлиги

Тошкент шаҳар Ҳокимияти маданият ишлари

бўйича Бош бошқармаси

АЛИШЕР НАВОНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ АКАДЕМИК

КАТТА ТЕАТРИДА

мактаб ўқувчиларининг кишики татил кунларида —

25, 26, 27, 28, 29, 30 декабрь;

2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январь кунлари соат 11, 13

ва 15.00да

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЯНГИ ИЛ КЕЧАСИДАГИ АЖОИБ

САРГУЗАШТЛАР»

(ИККИ БЎЛИМДА)

ҚИЗИҚАРЛИ, ҚУВНОҚ ЯНГИ ИЛ

АРЧА ТОМОШАЛАРИ

ҚОРОВО, ҚОРҚИЗ ва бошқа эртан қаҳрамонлари қатнашади.

Чингизларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ТАЛАВНОМАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 гача очил.

Та-наффус соат 15.00 дан 16.00 гача.

Маълумот олиш учун телефонлар: 33-33-22, 33-90-81.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ

ТОШКЕНБЎЙ

ЭГАМБЕРДИЕВ

НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

ЦИРКИДА

(Ҳадра майдон)

1993 йил 25 декабрдан 1994 йил 10 январгача

Мактаб ўқувчиларининг кишики татил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРОВО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК Қаҳрамонлари,

ЦИРК САҒБАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИНИ ЎЗ

ИЧИГА ОЛГАН ЦИРК ДАСТУРИ ВА ЎРГАТИЛГАН

ҲАЙВОНЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.

ТОМОШАЛАР: 25, 26, декабрда соат 10.00, 12.00,

14.00 ва 16.00 да; 27, 28, 29 декабрда соат 12.00 ва

14.00 да; 30, 31 декабрда соат 16.00 да;

1 январдан 9 январгача соат 16.00 да;

1 январда соат 10.00 да;

10 январда соат 12.00 ва 14.00 да БОШЛАНАДИ.

БИЛЕТЛАР 18 НОЯБРДАН БОШЛАБ НАҚД ПУЛГА

ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Қишлоқ томошабинларига навабдан таъқари хизмат

кўрсатилади.

ОММАВИЙ ТАЛАВНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚ-

ДА.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-29-04,

44-35-91.

Касса соат 9 дан 18.00 гача ишлайди.

ХУРМАТЛИ БОЛАЛАР!

СИЗНИ РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ

ТЕАТРИДА

25 ДЕКАБРДАН 1994 ЙИЛНИНГ

10 ЯНВАРИГАЧА

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА Кўрсатиладиган

ЯНГИ ИЛ ТОМОШАЛАРИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Сиз «ЯНГИ ИЛ САРГУЗАШТИ» спектаклини томо-

ша қилсангиз ва ҚОРОВО, ҚОРҚИЗ ҳамда сенимли эр-

такларингизнинг қаҳрамонлари билан учрашсангиз.

Маълумот олиш учун телефон — 56-73-95.

«Мебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоа-

си бирлашма бош директори А. Қирғизбеовга онаси

Асал БОТИРОВАНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик

изҳор этади.

Республика тиббиёт билим юрти маъмурияти ва ка-

саба кўмитаси кенес формация

Фатхулла Ибрагимович ИБРАГИМОВНИНГ

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, мар-

ҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.